



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚУВАЙТ ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИДА БЎЛИБ ҚАЙТДИ



Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегацияси Қувайт ва Саудия Арабистонига амалий ташир буюрди.

Қувайтнинг Фарғонада инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётган "Gulf care trade" ва "Energy solutions" компаниялари бошқарув кенгаши раиси Эйад ал-Салех билан музокаралар ўтказилди. Унда Фарғона вилоятида диагностика лаборатория ташкил этиш, бошқарув ва синов хизматлари бўйича халқаро ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Вилоятимиз делегацияси аъзоларининг Ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Қувайтдаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Аюбхон Юнусов билан учрашувида Фарғона вилояти ва Қувайт ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестицион лойиҳаларни тезлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг Қувайтдаги элчихонасида "Magaf group" компаниялар гуруҳи бошқарув вакиллари билан музокара ўтказилиб, ҳамкорликда иш ташкил этишга келишиб олинди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги делегация "Gulf care general trade" компаниясининг тиббий тузил-

маларни бориб кўрдилар, шунингдек, "Royale hayat" шифохонасида бўлиб, CAP ва ISO аккредитацияларига эга "Kuwait laboratory" фаолияти билан танишдилар.

Ташир давомида "Kuwait airways" авиакомпанияси бошқарув кенгаши раиси Абдулмоҳсен Салем Алфаган ва бошқарув кенгаши аъзолари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Қувайтдан Фарғонага мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш масаласи ва келгусидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Билдирилган тақлифлар асосида қўшма ишчи гуруҳ тузилиб, амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ва ҳамкорликда иш ташкил этишга келишилди.

Хайрулло Бозоров Саудия Арабистонига ташири давомида Маккада Муслмонлар жаҳон лигаси Бош котиби ўринбосари Абдурахмон ал-Зайд билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик, миллатлараро товуликни таъминлашдаги бой тажрибаси, Ўзбек алломаларининг Ислоҳ цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида фикр алмашилди.

Жидда шаҳрида "Jonson controls Arabia" компанияси асосчиси шайх Салех бин Ладен ва

бошқарув кенгаши раиси Муҳаммад ал-Шайх билан музокаралар олиб борилди. Унда Хайрулло Бозоров ва Муҳаммад ал-Шайх ҳамда Қувайтнинг "Energy solutions" компанияси бошқарув кенгаши раиси Эйад ал-Салех ўртасида иситиш вентиляцияси ва кондициялаш жиҳозлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича Англашув меморандуми имзоланди.

"Bahg electrics" компанияси раҳбари Фаҳед Талал Идрис билан мулоқот якунида ушбу компания ҳамда Қувайтнинг "Energy solutions" компанияси ва Фарғона вилояти ўртасида Меморандум имзоланди.

Вилоят ҳокими ота-боболари ўзбекистонлик бўлган йирик бизнесга эга тадбиркорлар - "Vision ambassadors" таъсисчиси Осама Кокандий, "Sodig at-tijoriya" компанияси раҳбари Эмет Абдулазиз ҳамда араб тадбиркори Аҳмад Алхутами билан учрашувда паррандачилик бўйича лойиҳани амалга ошириш, тўқимачилик соҳасида ҳамкорлик қилиш, тил ва туриз касбларга ўқитиш марказлари ташкил этиш, 100 минг нафаргача фарғоналикларни Саудия Арабистонини доимий иш билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Германия Бундестагидаги "Германия - Марказий Осиё" парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Манфред Грунд бошчилигидаги делегация билан учрашди.



Самимий мулоқот чоғида Фарғона вилоятининг Германия билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикрлар алмашилди. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти лойиҳалари доирасида вилоятда тикув-трикотаж саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик жараёнлари, KfW Германия тараққиёт банкининг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ажратган грантлари асосида тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоят ҳокими Европа - Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси раиси, Германиянинг "Mangold" консалтинг гуруҳи раиси Клаус Ман-

гольд билан учрашди. Мулоқотда вилоят саноатига тўғридан-тўғри Германия инвестицияларини жалб этиш кўламини кенгайтириш, илғор компаниялар билан ҳамкорликда машинасозлик технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари, вилоятда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Германиянинг илғор технологияларини қўллаган ҳолда, "даладан дўконгача" бўлган узлуксиз етказиб бериш занжирини яратиш ҳамда экспортга йўналтириш лойиҳа тақлифи муҳокама қилинди.

(Вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

МАКТАБДАГИ WI-FI: ЎҚИТУВЧИГА КАТТА ИМКОНИЯТ, ЎҚУВЧИГАЧИ?



Фарғона вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасаруфидаги умумтаълим мактабларида таълимни рақамлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада асосий эътибор давлат таълим муассасаларида юқори тезликдаги интернет хизматидан фойдаланишни йўлга қўйиш, ахборот ва компьютер технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилмоқда.

Хусусан, вилоятдаги 965 та мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари хоналари ва информатика синфларидаги компьютерлар локал тармоқлар орқали интернетга уланди. Ўқитувчилар хоналарида эса Wi-Fi зоналари ташкил этилди. Бундан ташқари, мактаб биносининг жойлашиш ҳолати, ўқувчиларнинг соғи инобатга олиниб, 325 та таълим муассасасига қўшимча равишда 7 талик ва 4 талик Wi-Fi зоналари жорий этилди.

3 бет

Фурқат тумани тажрибаси:



ЖИНОЯТДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Фурқат туманида жорий йилнинг 3 ойда жиноятлар сони 30,8 фоизга ёки 16 тага, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар 45,2 фоизга ёки 19 тага камайди. Агар содир этилган жиноят турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ўғирлик 55,6, фирибгарлик 60, баданга енгил тан жароҳати етказиш 85,7 ва ўлимсиз йўл-транспорт ҳодисаси 66,7 фоизга камайган бўлса, баданга ўрта оғир тан жароҳати етказиш 1 тага, ўлимли йўл-транспорт ҳодисаси эса 2 тага ошган. Эътиборлиси, туманда шу даврда товламачилик, қотиллик, талончилик, босқинчилик, номусга тегиш, транспортни олиб қочиш, безорлик каби жиноятлар қайд этилмади.

2 бет



Фурқат тумани тажрибаси:

1 бет

ЖИНОЯТДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

– Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятдан холи хуудга айлантириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳар бир маҳалла, кўча, ижтимоий объектлар, бозор ва савдо шохобчалари, жамоат жойларида тизимли профилактика тадбирлар олиб борилмоқда. Буларнинг натижасида ижобий кўрсаткичларга эришяпмиз, – дейди Фарғона вилояти ИИБ 2-минтақавий хууд Фурқат тумани ички ишлар бўлими Жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи, майор Отабек Тожиев. – Ютуқларимизнинг муҳим жиҳатларидан яна бири "Рақамли хавфсиз маҳалла" концепцияси доирасида жорий этилган тизим самарасидир.

Дарҳақиқат, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, келгусида уларни фож этиш даражасини ошириш мақсадида ички ишлар бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги томонидан ҳомийлик маблағлари ҳисобига олинган 2400 дан зиёд видеокузатув камералари қўшни Кўкон шаҳри, Ўзбекистон, Бешариқ, Данғара туманларидан кириб ке-

лиш йўлларига ҳамда мавжуд 34 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кириш ва чиқиш кўчалари, жамоат жойларига ўрнатилди. Ўз навбатида, барча видеокузатув камералари профилактика инспекторлари хонасига интеграция қилиниб, кичик ситуацион марказлар ташкил этилди. Шунингдек, 500 дан ортиқ видеокузатув камералари ИИБ навбатчилик қисмига интеграция қилиниб, 9 та замонавий мониторингдан иборат катта ситуацион марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Туманда жиноятларнинг олдини олиш учун асосий эътибор маҳаллаларга қаратилган бегиз эмас. Агар уч ойда жами 36 та жиноят қайд этилган бўлса, унинг 26 таси ёки 72,2 фоизи маҳаллалар хуудида содир бўлган. Шундан 15 таси олди-

ни олиш мумкин бўлган ва 11 таси аниқланган жиноятлар ҳисобланади.

Ҳозирда маҳаллалардаги криминоген вазият чуқур таҳлил қилиниб, "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифаларга ажратилган. Шу жиҳатдан қараганда, атиги 2 та маҳалла "қизил" тоифага қиради, 27 таси, яъни 79,4 фоизи эса "яшил хууд" дир.

Ишламайдиган шахслар томонидан умуман жиноят содир этилмаган ҳамда гуруҳлар, маст ҳолатда, муқаддам судланганлар ва ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолиши камайганини ижобий баҳолаган ҳолда, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноий хатти-ҳаракатлар ошганини салбий ҳолат сифатида айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, вояга етмаганлар томонидан ўғирлик жинояти ўтган йилнинг дастлабки

чорагида 1 та содир бўлган эди, бу йил 2 тага ошди.

"Кўкдўппи" маҳалла фуқаролар йиғини туман марказидан унча узоқда эмас. Хууддаги 686 та хонадонда 1038 та оила, 3396 нафар фуқаролар истиқомат қилади. Жорий йилнинг шу кунига қадар "яшил хууд" даги маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

– "Маҳалла еттилиги"нинг ҳамкорлиги самара берайти, – дейди профилактика инспектори, катта лейтенант Орифшон Абдуваҳобов. – Биз уйма-уй юриб, ҳар бир оила билан суҳбат ўтказамиз, уларнинг масаласини, мунозараларини тинглаймиз. Муаммоларига биргаликда ечим қидирамиз. Айниқса, ёшлар, тоифаланган шахслар, хорижий давлатларда ишламоқчи бўлган



фуқаролар, иккита жанжалкаш оила ҳамда умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим ташкилоти алоҳида назоратимизда. Маҳалла тинч, саранжом-сариншта. Фуқароларимиз томорқачиликнинг ҳадисини олишган.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносидан кичик ситуацион марказ ташкил этилиб, 4 та мониторинг қўйилган. Хууддаги 5 та кўчанинг кириш ва чиқиш йўлларига, ижтимоий объектлар, савдо шохобчалари, одамлар

кўп тўпланадиган жойларга видеокузатув камералари ўрнатилган, улар профилактика инспектори хонасига интеграция қилинган. Демакки, маҳалланинг кеча-кундузги "ҳаёти" профилактика инспектори кўз ўнгиди.

Туманда "Рақамли хавфсиз маҳалла" концепцияси доирасидаги ибратли ишлар давом этмоқда.

Рустам ОРИПОВ.

Бағрикенглик

Қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга ўз оиласига ва жамиятга қайтиши, ижтимоий мослашиш имкониятини берилиши ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг амалдаги ёрқин ифодасидир.



Эркинликдаги бебошликни панжара орти тарбиялади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 8 апрелдаги "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, 29 нафар фарғоналиклар ҳам оиласи бағрига қайтди.

– Жиноят содир этган шахсни афв этишга тақдир этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларига чиқиб, ҳар бир маҳкум билан яқна тартибда суҳбатлар ўтказиш орқали уларнинг шахси ўрганиб чиқилди, – дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ижтимоий кўника маркази раҳбари Фахриддин Пазилов. – Ушбу жараёнда маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қолланганлиги, ёши, соғлиги, оилавий аҳоли ва енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жабрланганлар ва жамоатчиликнинг, жумладан, маҳкум яшаган маҳалла вакилларининг фикрлари ҳам аҳолига ўрганилди. Мақсуд талаб ва метёрларга мос келган шахсларнинг оиласи, жамиятга қайтиши, ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлишига имконият берилди.

Ўз навбатида, шаҳар, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ижтимоий кўника марказлари томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларга кийим, озик-овқат, турар жой учун бир марталик моддий ёрдам ажратилиш, ҳужжатларини расмийлаштириш, зарурий ҳолларда даволанишларига кўмаклашиш ёки қариялар ва ногиронлар уйларига жойлаштириш каби зарурий кўмаклар кўрсатиб келинаётганини эътироф этиш ўрилли.

Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда озодликка чиқарилган фуқаролар тўлиқ малакали тиббий кўриқдан ўтказилди. Қизқиши ва меҳнатга лаёқатлилик даражасидан келиб чиқиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари орқали мумкин ишга жойлаштирилди. Ёки ўзини ўзи банд қилишларига эришилди. Уларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробаригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

Маҳкумларнинг такроран жиноят содир этмасликлари учун жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи, узоқ йиллар давомида жамиятнинг турли соҳаларида ишлаб, ҳозирда нафақага чиққан, намунали фаоллардан иборат тарбиячи-мураббийлар, ИИБ профилактика инспекторлари бириктирилди.

Тарбиячи-мураббийлар фуқароларга жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириб боришмоқда. Бугунги тинч-осуда ҳаётимизга шукрона келтиришга даъват қилинляпти, маҳаллада ўтказилаётган турли маросим ва тадбирларда фаол қатнашишлари ва меҳнат бозоридан ўзларининг ўрниларини топишларига кўмаклашилмоқда.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ижтимоий кўника маркази раҳбари Раҳима Холматованинг таъкидлашича, хуудда истиқомат қилган 5 нафар фуқаро муддатидан аввал яшаш манзилларига қайтди.

Шаҳардаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Умаржон Бўтабоев ва унинг аёли икки йилдик, ёлғиз ўғлининг йўлига муштоқ эди. Оназор Яратганга илтижодан толмади. Отанинг ғоз қақди кўча-кўйдаги гап-сўзлардан букилди ҳамки, у бир дақиқа бўлса-да, жигаргўшасининг бағрига эсон-омон қайтишидан умиди узилмади. Хайрият, уларнинг юзи ёруғ бўлди.

Абдулло Бўтабоев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддалари билан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Айни навқирон чоғида атрофида яши дўстлари йўқлиги боис, боши берк йўлга қадам қўйди. Тўрт девор орасида кечган 2 йил унга қилмишини ўйлаш,

хулоса чиқариш учун етарли вақт бўлди. Биз билан суҳбатда Абдулло болалик даврини ёдга оларкан, ёзиш, ўқишдан ироқ бўлганини, беҳуда ўтган онларидан чуқур пушаймонлигини айтиб ўтди. У ўзини қинғир ҳаёт домига етаклаган, илк мартаба қўлбола "қора ажал"ни тайёрлаб сотишга даъват этган ҳамтовоқларини яхши хотирлайди.

– Бошим деворга бориб урилгач, озодликдаги ҳар бир онимга шуқур келтириш, фаровон ҳаётда эмин-эркин яшаш улкан бахт эканини қалбдан ҳис қилдим, – дейди собиқ маҳкум. – Оила аъзоларим қанчалик қийналгани, руҳан эзилганини тушуниб етдим. Тутқинлик мени маънан тарбиялади. Аввало, саводим чиқди, китоб ўқидим. Асар қаҳрамонларига ўхшагим, улар каби яқинлари ёнида шўх-шодон ўйнаб-кулгим келарди. Виждон азобининг аччиқ таъмини тотганим сайин, ота-онам, Ватаним олдидаги бурчимни яхшироқ англадим. Ҳайит байрамлари арафасида онам пиширадиган орзни соғинардим, унинг иссиқ кўчоғида эркинлик ўтигим келарди. Не бахти, бу гапни Рамазон ҳайити тонгини ўз уйимда, азиз инсонларим бағрида қаршилаш насиб этди. Қайта дунёга келгандек бўлдим.

Абдуллонинг юз-кўзларига қарайман, чекилган заҳмат, зулматда ўтган кунлар изтироби қалбидан ўчмас доғ бўлиб қолгандай кўринди. Лекин хаёлимда саволлар бисёр эди: энди у тузалиш йўлига қирадимми? Ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртга хизмат қиладимми?

– Афв этилган, озодликка чиққан фуқаролар эътибордан четда қолмайди. Улар юрт ишончини оқлаб, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши, жамиятга ўз ўрнини топиши, юз бераётган ўзгартиш ва янгиланишларнинг фаол иштирокчиси айланиши лозим. Шунинг учун кенг жамоатчилик уларни бир муддат бўлса ҳам назардан четда қолдирмайди, – дейди Раҳима Холматова. – Тажрибамдан аниқки, маҳкумларни йиллар тарбиялайди. Уларнинг харақтеридиги нуқсонларни йўқотади. Ҳаётда адашганлар ўзларига берилган имкониятни юксак қадрлашларига шакшубҳам йўқ.

Мухтар МАХМУДОВА.

ГАЗЕТХОН МУШОҲАДА ЮРИТАДИ

ЖАМИЯТГА ШУНЧАКИ ХАБАРЛАР КЕРАК ЭМАС

Фараз қилинг. Эрта тонг. Ғир-ғир шабада эсиб турибди. Дарахтларнинг япроқлари шаббодога шўх қафт ёзиб, сирли шивирлайдилар. Кўчаларга сувлар сепилган. Оқ-оппоқ тонгининг таровати ўзгача хузур бағишлайди. Сиз, ҳа, сиз эрталабки иссиқ нон ва қаймоқ харид қилиш учун дўконга чиқдингиз. Пештоқига "Матбуот" деб ёзиб қўйилган дўконда одамлар гавжум. Навбати билан эндигина "тандирдан узилган" газеталарни шоққин харид қилишмоқда. Дастлаб қайси томонга йўл оласиз? "Озиқ-овқатлар" дўконигами, ё "Матбуот" дўконига? Бу, албатта, сизнинг ихтиёрингиз. Бироқ юртимиз янгиликларидан бохабар этгучи "Матбуот" дўкони сизни ўз-ўзидан таққа тўхтатади-да, навбатда турган кишилар сафига қўшганини билмай қоласиз.



Хуш ёқувчи майин шаббодо юзингизни силаб, интиқлик бераётган кайфиятингизга газеталар қўшқўлаб тутаётган янгиликлар, хабарлар уйғотган ажиб руҳиятни қўшалоқлашиб бахшида этиши табиий ҳол. Ҳозир, ҳозирок ўқимасангиз бўлмайди, кеч қолшингиз турган гап. Йўл-йўлакай мутолаға бериласиз, бу шубҳасиз.

Бундай одатлар бундан ўттиз йиллар чамаси кундалик ҳаётга, кундалик эҳтиёжга, кундалик тарбия соатиға айланган қолган эди. Стол устидаги газета ва журналлар оила аъзоларини ўз-ўзидан мутолағага тортарди. Ўзи интиқ кутган бирор муҳбирнинг мақоласига кўзи тушиши заҳоти, то сўнгги нуқтасигача етмагунча сабуру бардошига тош босарди. Троллейбусда, трамвайда, автобусда, кўйинги, йўлакдаги ўриндиқларда, эрталабданок барчанинг газета-журнал мутолааси билан машғул эканлигини учратиш одат тусига айланиб қолган эди. Хўш, ҳозирчи? Ҳозир барчанинг қўлида мобил телефон. Бироқ бу билан замон зайлига тош отгимиз йўқ, бироқ зиёли ҳам, оддий киши ҳам шу уйдирмага бой восита билан машғул. Ажаб, одамларнинг бўш вақти кўпми, ё бекорчи гапларини, англаб бўлмайди. Аммо-лекин бу нима беради, буням мушоҳада қилиш қийин. Бир сўз билан айтганда, аввалги газетхонлик, журналхонлик муҳитимизга қайтмасак бўлмайди. Ахир ёшлар биз – катталардан ибрат олади-ку!

Яна бир гап: газета-журнал ва китоб кишига нима беради? Бизнингча, фикрлашни беради, ҳаёт режасини тўғри тузишни ўргатади, ёмонликка нафрат билан қарашини, яхшилик эгаси бўлишни ўргатади. Имлони ўргатади, керак бўлса талаффузини раволаштиради, маданиятни, инсонийликни уқтиради. Телефон-чи? Интернет-чи? Бунинг ахлоқий ва интеллектуал жавобини бемалол болалаб бораётган турли ижтимоий тармоқлардан олишингиз мумкин.

Соҳамиздан келиб чиқиб, ўқувчиларимизга кундалик янгиликларни ёритувчи матбуот хизмати нашрларидан фаннимизга хос хабарларни таништириб бориш одат тусига кириб қолган. Эрталабданок матбуот дўконларидан газета-журналларни саралаб олиш машғулотиимизга янгича тус, янгича рух, янгича интилиш олиб кириши ўзимизга, ўқувчиларимизга бошқача руҳият касб этмасдан қолмасди. Неча йиллар шу усулда матбуот нашрларига эҳтиёжимиз баланд бўлган бўлса, ўқувчиларимизни чалитган Интернет маълумотлари бўлди. Тўғри, ким нимани истаса, ёритиб берувчи бу тармоқ бориб-бориб салбий эҳтиёжларни ҳам қондирадиган бўлди. Бу эса ўқувчиларда менталитетимизга тўғри келмайдиган ўзгартишларни пайдо қилди ва бунинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар сония бонг урилмоқда.

Аслида, биз айтганидан фикр ўзгачароқ. Бу ҳам бўлса, матбуот хизматини ўзимизнинг доирада тўғри йўлга қўйиш. "Бизнинг доирада" деганимизнинг асл мақсади шунки, ёлғон-яшиқ, сийқаси чиққан, ўзини исботлай олмай-диган, шунчаки хабарлар билан ёритилган маълумотлар билан эмас, ўзимизнинг юртимизда олиб борилаётган бунёдкорликлар, кашфиётлар, янгиликлар, хабарлар, ёшларни ўйлантирадиган ва мушоҳадага чорлайдиган, зукколикдаги изланишлар борасидаги маълумотлар билан ўз дунёсига жалб қиладиган саҳифаларга тўлса, айни муддао бўлур эди. Хориж янгиликларининг бизга фойдаси тегадиган жиҳатлари бўлса бордир, бош устига, албатта. Бироқ бугун бор, эртанга йўқ, яъни асқатмайдиган маълумотлар бўлса, асло керакмас.

Мақсадимиз эзгулик сари муштарак: "Матбуот" дўконларини аралаш моллар савдоси билан эмас, пешонасига катта қилиб ёзилган иборига доир нашрлар билан бойитмоқ керак.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ.



«Кусто ороли»да

Оролнинг мен турган қисми иккинчисига кўра қаттароқ бўлиб, қабила дарё бўйидаги яйлловга жойлашган. Унинг худуди океан қирғоғигача ўрмон оралаб икки соатлик йўл. Иккинчи қабилага бориш учун эса дарёни кечиб ўтгач, ўрмонда бир ярим соат юрилар экан. Қабила эса оролнинг қарши томонидаги соҳилга ақин жойда кўним топган.

Аслида битта қабила бўлиб, балки минг йиллар яшаган ороликлар қачонлардир, Хусан қачонлигини билмаслигини тушунтириди, сардорлики таллашиб икки гуруҳга бўлинган ва улар дарёнинг икки томонини ўз худудлари деб бўлиб олганлар. Борди-келиди, мулоқот йўқ. Аксинча, баъзида овчилар бир-бирларининг худудига ўтиб қолганда, ўзаро тўқнашув бўлар экан. Аммо ҳар икки қабила ҳам куёшни худо билиб синаган, оролдаги ягона тоғ-қоялари ортидаги «тошга айланган илоҳ»лар зиёратига борар экан. Хусаннинг айтишича, мен оролга келган иккинчи оқ тағли (агар шундай аташ мумкин бўлса, чунки уларнинг танаси ниҳоятда қорайган) эканман. Бундан беш-олти йил илгари биринчи экспедиция келгани, улар ўрмонга камералар ўрнатгани, эвазига қабилага туз келтириб бераётгани, Хусан

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

улар билан мулоқот қилишга тайинлангани ва инглиз тилидаги жуда оз миқдордаги сўзларни унга улар ўргатганини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Шундай қилиб, «жўрофик, тарихий, сиёсий сайёҳлик ахборот» тугагач, биз орол билан таниша бошладик. Яйловнинг бир ёни қалин ўрмон – Хусан қабиласига тегишли ерлар. Кеча биз шу ўрмондан келганмиз. Лекин дарёнинг нарғи томонида сув бўйиданоқ ўрмон бошланади. У иккинчи қабилага тегишли ерлар. Дарё эса чегара, эгасиз, аммо умумий фойдаланишдаги сув. Дарвоқе, шу ерга келганда, мен чанқаганимни билдирдим. Хусан қўлимдан тортиб, яйловнинг чодирларга қарши томонга етаклади. Ўрмон пойида учта жойдан ер ости суви чиқар эди. Улар ўн, ўн беш метрлар оралиқда жойлашган. Лекин битта, катта булоқнинг ҳар тарафига учи йўниланган ҳодалар кўйилган.

Оралиқда биздаги дўлана кўчатига ўхшаган тиканакли ўсимлик экилган бўлиб, у бир-бирига чирмашиб, қалин деворга айланган.

– Бу – қабила, бу – ўрмон, бу – сув, – деди Хусан. Булоқ шу қадар зилол эдики, бунақа сув ҳавзасини телевизорда, Швейцария кўлларини намойиш қилишганида кўрган эдим. Бир неча жойларда сув пўртана бўлиб чиқар, шунда ҳавза остидаги майин қум гоҳ чапга, гоҳ ўнгга

10 кун

(Саргузашт-воқеий қисса)

ёнбошлаб, ер остидан чиқаётган оқимга йўл берар эди. Қанчалар гўзал манзара! Қолаверса, булоқдаги сокинлик, ўрмон қушларининг сайроқи симфонияси... Эҳ, қани эди шу ерда бир мириқиб улхасанг!..

Хусан мени сув ичишга иккиланяпти, деб ўйлади шекилли. Ўзи қирғоққа чўзилди-ю, ҳўлпиллатиб симириди. Мен ҳам тўйиб-тўйиб ичдим. Сув жуда тотли экан.

Кейин гоҳ ўрмонга кирдик, гоҳ дарё бўйлаб юрдик. Айниқса, қирғоқ бўйларида турфа хил гулчечаклар кўп эди. Биздаги баргларидо одам қиёфаси акс этган, майда шотутдек меvasи бор, аммо тиканли ўсимликлар кўрдим. Хусан уларнинг биринчисини плер рулим, иккинчисини эса элуу теро қаб деб атади. Номларини айтиш қийин бўлса-да, ўзлари гўзал. Мана буниси эса бутунлай бошқача –

ойсимон барглар ўртасида оқ, қизил япроқлари бўлган гул очилиб турибди.

– Бу ме-ру-та, – деди Хусан. Ўрмонда ҳам кўп ажойибларни кўрдим. Бир дароҳт танаси ёрилган, ўша ердан елимга ўхшаш нарса сизиб чиқибди, лекин у қоп-қора. Хусан уни узиб олдида, ярмини менга бериб, қолганини озгига солди. Ноилжот тоғиб кўрдим. Қайнатилган қўзиқорин мазасини беради.

– Бу чага, – деб қўйди Хусан бошқа дароҳтдан яна бирини узиб еркан. Чага берадиган дароҳт ажралиб турар, гўё биздаги оқ қайинларга ўхшаб кетарди. Танаси йўғон эмас, пўстлоғи оқ.

– Вой бу, бу нима? – ҳайратдан узокроқда кўринган дароҳт ёнига югурдим. Бунақасини энди кўришим. Ердан чиққан жойи жуда қалин, икки-уч кишининг қулочи

етмайди. Аммо юқорига қараб ингичкалиги боради. Беш-олти қаричга етганда, атрофга бир неча шох тарқатган. Улар шу қадар гўзал гуллаганки... Япон сакуралари гули сингари майда, бинафшаранг.

– Тан-ба-о! – деди узокдан Хусан. Мен шоша-пиша ён дафтаримдаги гул ва дароҳт номлари қаторига бу сўзни ёздим. Остига қўлимдан келганича суратини чиздим. У тахминан шундай эди.

Табиатнинг тантилигини қаранг. Океан ўртасида, энг яқин қуруқлик 230 мил (368 км) нарида, эни йи-гирма, бўйи саккиз километргача бўлган орол. Мингга етмас аҳоли, ибтидоий ҳаёт. Ва таърифи топилмас гўзал табиат!

– Тан-ба-о! Нақадар ўзига хослик. Шу пайтгача улкан дароҳтлар кичик илдишдан униб-ўсиб чиқади, деган фалсафа билан яшаганмиз. Бугун бу дунёқараш остин-устун бўлиб кетди. У ҳам биргина дароҳт туфайли. Тан-ба-о туфайли. Кичкинадан катталikka эмас, катталикдан кичикликка ғоясини кўрасиз унда. У менга, эй инсон, сен қанчалар бой, юқори мансабда бўлмагин, йиллар ўтиб қарийсан, озасан, бу дунёга мева ва гулларингни, яъни ижодинг ҳамда фарзандларингни қолдириб, бир кун нозиккина қуруқ новдага айланасан ва сениб тупроққа қориласан, деярлик дедим.

Шу кунни биз пальма, банан, кокос дароҳтлари остида дам олдик. Хусан олиб тушган меваларига роса тўйди.

Биз болалик кезларимиз мевали дароҳтларга тирмашигимиз тирмашган эди. Хусан бунинг тоза машини олган экан, дароҳт тепасига чиқиб тушишда маймундан ўтади-я!

Ўрмоннинг менга ёқмаган томонлари ҳам бўлди. Кўршанпалак жуда кўп эди. Кундузи учмаса ҳам шохларга оёғидан осилиб ётарди улар. Кейин, тўти кўп оролда. Дастлаб кўзимга жуда чиroyли кўринганди улар. Овози ҳам ёқимли туюлган. Аммо ҳар қадамда ёқимли юриши жонга теғди. Хусаннинг айтишича, тўтини ов қилиш тақиқланган. Чунки у ҳар йили думпатларини ташлайди. Ана шу патлар эса сардорга, қабила

аъзолари бош бойлоғига суқиб қўйилади. Бу миллий зеб-зийнат ҳисобланган. Хусаннинг тўтиси эса унга шунчалар ўрғанганки, зинҳор елкасидан тушмайди ёки атрофидо гир капалак учиб юради. Мен унга соҳилда эканимизда эгасига қўйган исминини ўргатиб қўйдим. Шундан буюн аҳён-аҳён «Фу-сан, фу-сан» деб қўяди.

Биз дарё ёқалаб океан соҳилигача бордик. Мана, дунё қанчалар кечисиз-а? Океан узокда ёйсимон шаклда кўринади. Сув қирғоққа бир неча тўлқинлар кесиша-кесиша кучини йўқотиб келиб урилади. Саноксиз қурт-қумурскаларни қирғоққа улоқтиради. Аммо тўлқин қайтганда, улар яна океан томон оқиб тушади. Анави тошбақа боласи ҳеч қирғоққа чиқа олмайпти. Она тошбақа одадта сув етиб бориши мумкин бўлмаган узокликка тухум қўяди. Бу жонивор янги тухум очган бўлса керак. Юраги у денгиз тошбақаси эканини сезгану, амаллаб қирғоққа юриш қилган. Шунда биринчи тўлқин уни домига тортади. У эса сувда яйрайди, аммо кўз очган қирғоққа чиқмакка куч, қуввати етмайди. Шу аҳволда балки ҳалок бўлар. Хали дунё муъжизаларини, дўст-душманин кўрмай ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Мен ўша жониворни олиб, қирғоқнинг тўлқин етиб бормайдиган жойига қўйиб юбордим. У эса ўз уяси томон судралди.

Ҳаётда ҳам шундай. Баъзида ёнимиздагиларга ёрдам қўлини чўшиб, балки унинг ҳаётида туб ўзгаришлар, бахтли кунларга яқинлаштирар. Лекин, ҳар доим ҳам ана шундай қиламизми?!

Қизик, орол қандай пайдо бўлган экан-а? Ахир атрофи дунёнинг энг чуқур океани билан ўралган.

Қайсидир китобда ўқигандим, бундан миллион йиллар илгари рўй берган вулқонлар, океанлар қаъридан отилиб чиққан жисмлар оролларга айланган, деб. Балки бу орол ҳам вулқон пўртанасидан ҳосил бўлгандир? Ўзбекистонда қайтсам, оролар пайдо бўлиши ҳақидаги махсус китобларни албатта топиб ўқийман!

(Давоми келгуси сонларда).

ҚАЛДИРҒОЧ ИН ҚУРГАН УЙДАН

Гулсанамнинг дилларни ўртовчи дарди бор. У тирноққа зор. Ўн йилдирки, нажот излаб учрамаган шифокори, бажармаган янгича-ю, эскича одадлар, кўнглида умид учқунини ёқмаган табиби қолмади. Барча уринишлари бекор кетаётганидан ҳафсаласи пир бўлди.



ҚУВОНЧ АРИМАЙДИ

Эрта баҳор Гулсанамнинг хонадонидо бир жуфт қалдирғоч пайдо бўлди. Уя учун даҳлиз шифтидаги йўғон тўсиннинг қоқ ўртасидан жой таллаб, тумшукларидо гиз-гиз этиб лой ташшига киришди. То маконини куриб битказгунча тиним нималигини билишмади. Ва ниҳоят, кичикроқ айлананинги ярмидек келадиган уя тайёр бўлди.

Бу ҳолат оила бекасини беҳад қувонтирди. Болалиғида ёши улугларнинг «Қалдирғоч хониятчи куш, у ин қурган уйда барака, қувонч аримайди» дея айтган сўзларини ёдга олди.

Қалдирғочларнинг бемалол учиб кириб-чиқши учун даҳлиз эшигини қиялаб очиб

кўйди. Уларнинг «чуғур-чуғури», ҳадеганда теваракни айланиб, дайди девона каби учиб юриши оилада биргина Гулсанамнинг роҳатини тузмасди. Уларга шунчалик боғланиб қолдики, қалдирғоч уясида битта чўп баногоҳ тушиб кетса, уни авай-лаб жойига қўйиб қўярди.

Кўп ўтмай, Гулсанам ўша уядан ота-онасининг тумшугига бўйин чўзаётган полапонларни кўриб қолди. Ўзи фарзанд кўргандек қувонди. Қалбини алланечук ҳислар қуршади. Энди у она қалдирғочни одад-баракадан кўпроқ кузатадиган бўлиб қолди.

Ўша кунни қалдирғочлар во-яга етаётган полапонларини мусаффо осмон бағрида учи-

ришга ўргатаётган эди. Баногоҳ, улардан бири толиқдим, ерга шўнғиди. Бечора куш қанча қанот қоқмасин, осмонга кўта-рилолмади. Типирчилай-типирчилай жон берди.

Бу воқеадан Гулсанам она қалдирғочдан кам азоб чекмади. Куш бетининг «чуғур» лаганада, у боласизликдан ўртанди.

Шу кунларда Гулсанамнинг кўнгли довуца тушди. Ширин энтиқиш билан ўрик шохларини эғди. Уч-тўрт кун ўтиб, Яратганнинг инояти тасдиғини топди. Қувончи хабар яқинларини қалдирғочлар уя қурган хонадонга жамулжам қилди.

Муаттар ТУРГУНБОЙ қизи.

БИЗГА БЕГОНА ОДАМЛАР



Ҳафтанинги шанба кунни эди. Қиш кунлари қалта, қолмишига совук. Охириги автобустга улгуролмасам, кўчада узок қолиб кетшим тайин. Университетдан дарсларимни тамомлаб чиқарканман, шу ўй-хаёл билан тезроқ иссиқ уйимга етиб олиш учун автобус бекати томон шоддим.

Бекат одадга тўла. Автобус ҳали келмаган. Оломонга қўшилдим. Нарироқда ўтган-кетганга ҳадеб нимадир дейётган, аммо жавоблардан ҳафсаласи пир бўлаётган отахонга кўзим тушди. Унинг ёнига яқинлашганимда, кўзлари яхши кўрмаслигини англадим.

– Ассалому алайкум ота, бирор ёрдам керакми? – Ваалайкум ассалом, қизим. Бир хаста дўстимдан хабар олгани касалхонага келгандим. У би-

лан узок сўхбатлашганимиздан кун хира тортиб қолганини пайқамабман. Бу маҳалда кўзларим яхши кўрмай қолади. Манзилимга етиб олиш учун йўналишимни йўқотдим. Автобустга элтиб қўйишларини сўраб, кўринганга илтимос қиляпман. Аммо ҳеч кимнинг ёрдам бергиси йўқ. Тушунаман, бу маҳалда ҳар ким уйига шошади. Менинг ташвишим кимни ҳам қизиқтирарди...

Феруза ОМОНОВА, Фарғона давлат университети талабаси.

Озодбек Махсудов россиялик ҳамкорлари билан 300 минг АҚШ доллари миқдоридо инвестиция қиритиб, «Тинчлик мева экспорт» қўшма корхонасини ташкил этди. Бу ерда ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Корхонада 20 та доимий, 100 дан зиёд мавсумий иш ўринлари ташкил этилиб, «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ишсиз, эҳтиёжманд оилалар вакиллари бандлиги таъминланди.

Ўтган 2023 йилда корхонада 8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари Россия ва Мўғулистон давлатларига экспорт қилинди. Йиллик пул маблағлари айланмаси 7 миллион долларни ташкил этди. 2000 тонна сизимга эга бўлган омборхонада барча турдаги боғ ва полиз маҳсулотлари сақланади.

Пластик ва ёғоч яшиқлар шу ернинг ўзида тайёрланади. 4 та тиркамали юк машиналари ва автомобиллар корхонанинг техник хизмат кўрсатиш устанонасида таъмирланади. Пишиқчилик мавсумида – экспорт ҳажми ортган паллада бир неча ўнлаб хусусий автофура-

“ОБОД” ЛИК ТАДБИРКОРЛАР

инсонлар томонидан маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, муҳтож фуқароларга ёрдам бериш сингари эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида 28 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. «Аёллар дафтари», «Ешлар дафтари»да рўйхатга олинган 950 нафар фуқаролар, асосан ёшлар ва хотин-қизлар доимий даромад манбаига эга бўлдилар.

«Hamza expro art textile», «Ҳожиакбар асл текс», «Қадамча плюс» масъулияти чекланган жамиятлари, «Мохларой Лазизбек файз» хусусий корхонасини сингари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 70 дан зиёд боғдорчилик, деҳқон ва томорқа хўжалиги ва иссиқхоналарда ёзиниқшин маҳсулот етиштирилиб, фуқаролар моддий манфаат кўрмоқда.

Худуддаги «Ҳожиакбар асл текс» масъулияти чекланган жамиятига маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсиясига асосан 200 миллион сўм миқдоридо имтиёзли кредит маблағи ажратилиб, пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Булар мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириладигани самарасидир. Мухтарам Президентимиз томонидан 2024 йилни «Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам юртимиз тараққиётини белгилаб берадиган «Ўзбекистон-2030» стратегиясида назарда тутилган омиллардан биридир.

Қиличбек АБДУЖАББОРОВ, Олтиарқ тумани, «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси.

Беморнинг самарали шифо топиши фақат малакали мутахассис, тиббиёт техникаси ва дори-дармонгагина боғлиқ эмас. Буюк Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, «Шифонинг ярмини тилдан топасиз!». Бу ҳикматли сўз сермаъно бўлиб, бир жиҳатдан ҳамширалар хатти-ҳаракати, муносабати, меҳри билан ҳам боғлиқ.

Бемор шифохонага келтирилибдики, то соғайиб чиқиб кетгунча ҳамшира унинг ҳамроҳи. Хали игна санчади, ҳали боғламини янгилайди ва яна таомлантиради, ҳамсуҳбат бўлиб қошингизда ўтиради. Жарроҳлик амалиёти чоғида эса ҳамширанинг масъулияти шифокорларникидан кам эмас.

Соатлаб тик оёқда туриб, бемор билан бирга «жон олиб, жон беради».

Хўш, ҳамширада яна қандай кўникмалар бўлиши керак? Энг намунали ходимлар маҳорати, касбий даражасини белгиловчи мезон борми?

Ҳа, албатта. Буларнинг бири ҳар йили ўтадиган «Ҳамшира – 24» каби йиллик танловдир.

Фарғона вилоятида 42 200 нафар ҳамшира хизмат қилади. Улар орасида турли босқичда 16 нафар голиб топилиб, вилоятнинг энг яхши ҳамшираси танловига етиб келдилар.

Ҳайъат ҳар бир иштирокчининг билими,

ҲАМШИРА ҲАМ ШИФОКОР



малакасини атрофлича имтиҳон қилди ва баҳолаб борди.

– Бугунги шартимиз тўрт босқичдан иборат бўлиб, булар одам анатомияси ва физиологияси, ижтимоий ва сиёсий саводхонлик ҳамда тиббиёт соҳасидаги тезкор савол-жавоблардан иборат, – дейди Ҳамширалар ассоциацияси вилоят бўлими раиси Бахтиёр Худойбердиев. Савол-жавобларда назарий жиҳатдан кўра, амалиёт устунлик қилди. Зеро, ҳамшира масъулияти – бемор билан ишончли муносабат ўрнатилганда, ижодий ёндашуви талаб қилар эди.

– Биринчи навбатда, беморга қулай шароит яратиш, уларнинг оғригини қолдирувчи дори-дармонлардан шифокор кўрсатмаси асосида фойдаланиш, беморнинг овқатланиши, руҳий ҳолатини мустақамлашга эътиборни кучайтириш, парҳез сақлашини назорат қилиш каби жараёнларга масъулмиз, – дейди танлов иштирокчиси Хумора Ахмадалиева.

Танлов бирин-кетин йўналишлар бўйича голибларни аниқлай бошлади.

– Ешлигимдан тиббиёт соҳасига қизиққанман. Ўз касбинини жуда яхши кўраман. Шу соҳада ишлаётганимдан фахрланаман. Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ходимлари танловига иштирок этиб, тарихотчи йўналишида

фахрли биринчи ўринни эгалладим, – дейди ҳамшира Дилафрўз Тўракулова.

Энди «Ҳамшира – 2024» вилоят босқичи голиблари республика танловига иштирок этадилар.

Ўз мухбиримиз. Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказининг Фарғона вилоят бўлими ва вилоятнинг 19 та бўлимлари тугатилганлиги

МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

<p>МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati</p> <p>Бош мухаррир: Рустам ОРИПОВ</p>	<p>2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета жума кунни чиқади.</p>	<p>Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2350 нусхада чоп этилди. Буюртма: 289.</p> <p>★ Баҳоси келишилган нарҳда. ★ Навбатчи мухаррир: Маҳиёра Бойбобоева.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй.</p> <p>Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.</p> <p>Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.</p> <p>Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.</p> <p>Босинга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.</p>
---	---	---	---